



«24» «Март» 2020 йил

№ 633а

Боғот шаҳарчаси

Боғот тумани “Дехконобод” массиви худудида “Ҳазорасп эркин иқтисодий зонаси”нинг Боғот туман филиалини ташкил қилиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12-13 март кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 17-сон мажлис баёнининг ижросини таъминлаш мақсадида, ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосасини ва шу юзасидан тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” нинг 6, 20, 29-моддасига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12-13 март кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 17-сон мажлис баёнининг ижроси раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Боғот тумани “Дехконобод” массиви ер харитасининг 768-769-801 қисман контурларида жойлашган қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган бошқа ерлардан иборат жами 15,0 гектар ер майдони “Ҳазорасп эркин иқтисодий зонаси”нинг Боғот туман филиали” ташкил қилиш учун ажратилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га;

- “Эркин иқтисодий зонаси” ташкил қилиш учун ажратиб берилган 15,0 гектар ер майдонини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиксин.


- ишлаб чиқилган лойиха бўйича белгиланган тартибда ер участкасини лотларга тақсимлаб чиқсин.

4. Ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритишни туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Р.Рахимов)га, ер участкасида объект қурилишини назорат қилишни туман ҳокими ўринбосари (А.Қуръёзов)га, белгиланган тартибда ер солиғига боғлиқ ҳисоботларни ўзгартириш, солиқларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилишни туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Жуманиёзов)га топширилсин.

5. Мазкур қарорни тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбанов ва туман ҳокимининг инвестиция инновациялар хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш эркин иктисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ж.Болтаев зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими:



О.Холбоев